ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ЭЛМУРОДОВ АБДУҒАНИ АКТАМОВИЧ

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ТОПИНАМБУР ЎСТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ– 2017

УЎК:635.21:631.51

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ЭЛМУРОДОВ АБДУҒАНИ АКТАМОВИЧ

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ШАРОИТИДА ТОПИНАМБУР ЎСТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx4 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Остонақулов Тоштемир Эшимович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Атабаева Халима Назаровна** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **Абдурахимов Мингжигит Каттабекович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор **Тешаев Фатулло Журакулович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўсимликшунослик илмий–тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «_ __»______________2017 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: g.selek@qsxv.uz

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (______ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _______ куни тарқатилди.

(2017 йил «___» __________ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича топинамбурнинг жами экин майдони 2,5 млн. гектарни ташкил этади. Бу кўрсаткич АҚШда 700 минг гектар, Францияда 500 минг гектар ва Австрияда 130 минг гектарга тенг бўлиб, кейинги йилларда топинамбурнинг экин майдони Англия, Германия, Польша, Венгрия, Япония, Хитой, Скандинавия каби мамлакатларда кенгаймоқда[1]. Чунки, топинамбур туганаги таркибида инилун сақлаши, тиббиётда қандли диабетга чалинган беморлар учун қимматли пархез озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб ҳисобланади[2].

Республикамиз қишлоқ хўжалигида топинамбурнинг серҳосил ва маҳсулот сифати юқори ва қайта ишлашга яроқли навларини танлаш, яратиш ҳамда етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада маҳаллийлаштириш дастурлари доирасида топинамбур туганагидан парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари, фармацевтика саноати ва целлюлоза-қоғоз-картон ишлаб чиқаришда арзон, импорт ўрнини босувчи маҳаллий хом-ашё ва чорва моллари учун тўйимли озуқа заҳираси яратишда кенг фойдаланилмоқда.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида топинамбур ўсимлигидан гектаридан 85-100 тонна кўк масса, 28-40 тонна туганак ҳосили олиниб, 25-30 тонна сифатли озиқа бирлиги етиштирилмоқда[3]. Топинамбурнинг гектаридан олинадиган 40 тонна туганагидан 5 тонна топинамбур кукуни ёки 4680 кг инулин олиинади, поя ва баргларидан целлюлоза, қоғоз, этанол олинмоқда[4]. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда топинамбур кукунидан қандли диабет билан оғриган беморлар учун парҳез нон ва нон маҳсулотлари, салатлар, таомлар тайёрлашда қўшилади. Топинамбур инулинидан истеъмол қилган беморлар қони ва сийдигида 16-17 фоизгача қанд миқдори камайганлиги, топинамбур туганаклари ва ўсимталаридан тайёрланган турли салқин парҳез ичимликлари истеъмол қилинганда организмда углеводлар алмашинувини мақбуллашиши аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги 916-сон «Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳа ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

[1]http://apps3.fao.org/wiews/wiews.jsp. FAO, World Information and Early Warning System on Plant Genetic Resources for Food and Agriculture.[2]Duke, J.A. and Wain, K.K. Medicinal plants of the world.Computer index with more than 85,000 entries.3 vols. 1981.p.15, [3]www.vodoley.dn.ua, [4]Camelia (Bonciu) Neagu and Gabriela Bahrim.Comparative study of different methods of hydrolysis and fermentation for bioethanol obtaining from inulin and inulin rich feedstock/ St. Cerc. St. CICBIA, 2012. 13 (1) 2012, p.67

технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Топинамбур навларини танлаш, баҳолаш, етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, University of Minnesota (АҚШ), Dalhousie University, Departments of Agronomy and Plant Genetics and Horticulture (Канада), Experimental Institute for Vegetable Crops-CRA, (Италия), Versuchsanstalt fuer Integrierten Pflanzenbau (Германия), Szent István University (Венгрия), Institute Havlíčkův (Чехия), Potato-vegetable Research Centre (Въетнам), Воронеж технологиялар институти, Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Красноярск давлат аграр университети (Россия), Украина қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти (Украина), Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Топинамбур навларини танлаш, яратиш мақбул етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: топинамбурнинг серҳосил, маҳсулот сифати юқори нав ва намуналари яратилган (Dalhousie University, Departments of Agronomy and Plant Genetics and Horticulture); топинамбурни етиштиришда мақбул суғориш тартиби ва озиқлантириш меъёрлари ишлаб чиқилган (Potato-vegetable Research Centre); ўсимликни етиштириш агротехнологияларининг туганакнинг қуруқ модда тўплашига таъсири аниқланган (University of Minnesota), топинамбурдан биоэтанол ишлаб чиқариш технологияси яратилган (Versuchsanstalt fuer Integrierten Pflanzenbau, Szent István University, Institute Havlíčkův); туганагидан кимё-фармацевтика саноатида инулин олиш технологияси ишлаб чиқилган (Воронеж технологиялар институти, Красноярск давлат аграр университети), целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш саноатида ҳом-ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган (Experimental Institute for Vegetable Crops-CRA).

Дунёда топинамбур навларини яратиш ва етиштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: фойдаланиш йўналишига мос янги навларини танлаш; озиқ-овқат йўналишида тезпишар, туганаклари юқори фенотипик бир хиллиликка эга, таркибида инулин миқдори юқори бўлган навларни яратиш; юқори ва сифатли концентрат ширали озиқабоп навларни яратиш; бирламчи ва элита уруғчилигини такомиллаштириш; етиштиришнинг ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда топинамбурни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича 1950-1960 йилларда олимлар илмий изланишлар ўтказган. Аммо тезпишар, туганаклари йирик, яхши сақланувчан навлар бўлмаганлиги, етиштириш технологиясининг элементлари илмий асосда мўътадиллаштирилмаганлиги туфайли бу экин мамлакатимизда кенг тарқалмаган. Топинамбурдан уруғлик туганак, товар ҳосил, кўк масса етиштириш учун алоҳида нав агротехникаси ишлаб чиқилмаган. Кўп йиллик экин бўлганлиги туфайли топинамбур экилган ерларда иккинчи йили ҳам кўкариб чиқиши, далани ифлослантириши туфайли бу экинга кўпгина ҳолларда бегона ўт сифатида қаралган. Ҳозир бу муаммолар илмий асосланган ем-хашак алмашлаб экиш технологияси ишлаб чиқилмаганлиги туфайли етарлича ҳал этилмаган.

Ҳозирга қадар топинамбурнинг систематикаси, биологиясини ўрганиш (Н.Амирханов, З.Умурзакова, T.Dascălu, S.Kays), янги навларни яратиш (Р.Мавлянова, M.Baldini), турли экиш схемаларида ўсиши ва ривожланиши ўрганиш (М.Комилова, М.Аманова, E.Szpunar-Krok), чорвачиликда озиқавийлик қийматини аниқлаш (Т.Аникиенко, P.Sods, G.Stanytė), бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар бажарилган. Аммо янги ва истиқболли топинамбур навларини танлаш, қимматли морфобиологик, хўжалик-белги хусусиятлари бўйича чуқур баҳолаш ўрганилмаган, етиштириш агротехнологиялари асосий элементлари - экиш схемалари, туп қалинлиги, уруғлик туганак вазнларининг топинамбур ер усти массаси, туганак ҳосилига таъсири, минерал ўғитлар меъёри ва суғориш сони, тартиби, суғориш технологияси, уруғлик туганакларни экишолди ишлаш технологияси, кучсиз шўрланган тупроқлар шароитида уруғлик туганакларни экиш чуқурлиги, уруғлик туганакларни етиштириш тизими, уруғликни сақлаш комплекс равишда ўрганилмаган ва илмий асосланган етиштириш агротехнологиялари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01960004512 рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда янги инновацион технологияларни жорий этиш орқали илмий жиҳатдан асосланган, экологик тозалигини таъминловчи такомиллаштирилган, қишлоқ хўжалик экинларининг янги, истиқболли навларини яратиш ва агротехнологияларини жорий этиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон водийси шароитида топинамбурнинг етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш ҳамда кучсиз шўрланган ерларда топинамбур ўстириш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нав намуналарини ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича баҳолаб, истиқболли навларини танлаш;

турли навларни экиш муддатлари ва уруғлик туганакларни экишолди ишлов бериш усулларини ишлаб чиқиш;

турли экиш схемалари ва туп қалинликларида ҳосилнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш;

навларни турли суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларида кўк масса ва туганак ҳосилининг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш;

уруғлик туганакларни саралаш, сақлаш ва уруғбоп туганакларнинг мақбул вазнини аниқлаш;

топинамбурни кўпайтиришнинг уруғчилик тизимини ишлаб чиқиш;

кучсиз шўрланган тупроқларда топинамбур навларини турли экиш муддатлари ва чукурликларида ҳосилдорлик ва уруғлик туганакларнинг сифатига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот объекти топинамбурнинг 15 та навлар тўплами (5 та нав, 3 та комбинация, 7 та истиқболли клон намуналар), уруғлик туганакларни экиш олди ишлов бериш технологияси, экиш муддатлари, схемалари, суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрлари, уруғчилик тизими, уруғлик туганакларни сақлаш, кучсиз шўрланган ерларда навлар тўпламини баҳолаш, экиш чуқурлиги, турли эгат узунлигида суғориш ва эгатдаги сувнинг оқиш тезлиги каби етиштириш агротехнологиялари элементларидан иборат.

Тадқиқот предмети топинамбур нав намуналарини қимматли белги-хусусиятлари бўйича баҳолаш, истиқболли нав намуналарини ўсиши, ривожланиши, экиш муддатлари, экиш схемалари, туп қалинлиги, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, суғориш сони ва тартиби, ўғитлаш меъёрлари, кўк масса ва туганак ҳосилининг шаклланиш қонуниятлари, элита уруғлик туганакларни етиштириш тизими, жадал кўпайтириш усуллари, сақлаш ўстириш технологияси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Дала тажрибаларини ўтказиш, экиш, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар, экин парвариши, ҳосилни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Ленинград қишлоқ хўжалиги институтининг (Санкт-Петербург), Бутунроссия ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг, Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг, Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг, Қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат нав синаш комиссиясининг, «Методика полевого опыта» сингари манбалари, тавсиялари, кўрсатмалари, услублари асосида олиб борилди. Дала тажрибаларда олинган натижаларининг статистик таҳлили WinQSB-2.0 ҳамда Microsoft Excel дастурлари ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон водийси типик ва ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида топинамбурнинг навлар тўплами комплекс қимматли хўжалик белгилари (тезпишарлиги, ҳосил шаклланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва туганаклар биокимёвий таркиби бўйича ҳар томонлама баҳоланган;

озиқ-овқат йўналишида фойдаланишга яроқли “Эътироф” нави яратилган;

янги ва истиқболли навларни етиштириш агротехнологиясининг муҳим элементлари, навларни танлаш, мақбул экиш схемалари, туп қалинлиги, уруғлик туганакларни турли муддатларда экишолди ишлов бериш, ўғитлаш меъёрлари, суғориш тартиби ва уруғликни сақлаш усуллари ишлаб чиқилган;

кучсиз шўрланган тупроқларда навлар баҳоланган, уруғлик туганакларни экиш чуқурлиги, экиш муддати, суғориш технологияси ишлаб чиқилган;

топинамбурдан кўп тармоқли фермер хўжаликларида мўл, сифатли ва арзон ҳосил етиштиришни таъминловчи агротехнологиялар тизими, жадал кўпайтириш ҳамда такомиллашган бирламчи ва элита уруғчилиги яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Топинамбур навларидан юқори ва сифатли мўл ҳосил олиш учун Зарафшон водийси типик ва ўтлоқ бўз тупроқлари шароитлари учун навлар тўплами қимматли белги-хусусиятлари (ўсув даври давомийлиги, ҳосил тўплаш динамикаси, поя-баргда ва туганакда қуруқ модда миқдори, инулин миқдори, ҳар бир туп маҳсулдорлиги, туганакларни шакли, уяда жойлашиши) бўйича баҳоланган;

янги “Эътироф” нави яратилган ва Давлат реестрига 2017 йилда киритилган;

навларни танлаш, уруғлик туганакларни бир йиллик экин сифатида дала алмашлаб экишларда қулай экиш схемалари (90х35, 70х35 см) ва туп қалинлиги (31,7-40,8 минг/га), мақбул уруғлик туганаклар вазни (15-20; 35-40 граммли бутун ва кесилган туганакларни), уруғлик туганакларни турли муддатларда экишолди ўстирувчи стимуляторлар (гиббериллин, қаҳрабо кислотаси, тиомочивина) ва микроўғитлар (бор, марганец, мис) аралашмасида кеч кузда ва эрта баҳорда экиш олдидан ишлаш, қулай ўғитлаш меъёрлари ($N_{300}P_{200}K_{150}$ кг/га+ 20 т/га гўнг) ва суғориш сони ва тартиби (ўсув даврида 8 маротаба 4-2-2 тартибда) суғориш эгатлар узунлиги 60-80 м, унда сувнинг оқиш тезлиги 0,10-0,15 л/с да амалга оширилган;

уруғлик туганакларни тезкор кўпайтириш усуллари (уруғлик пайкалларда туганакларни 60-80 грамм туганаклар 1/4 бўлакка бўлиб, ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмасида ишлаб экиш), 4 йиллик элита уруғлик туганаклар етиштириш ҳамда сақлаш бўйича илмий асосланган топинамбур навларини етиштириш технологияси тизими ишлаб чиқилиб, тавсияномалар яратилган ва фермер хўжаликларга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга статистик ишлов бериш, назарий ва амалиёт натижаларининг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, тажрибалар ва олинган илмий, амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқотлар натижалари амалиётда кенг жорий этилганлиги ҳамда тадқиқотлар натижалари республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уруғлик пайкалларда туганакларни ўсимталар сонига ва туганак вазнига қараб кесиб экиш орқали юқори кўпайиш коэффициентига эришиш, элита уруғлик туганакларни етиштириш тизими ва сақлаш тартиби, топинамбур навларининг агротехнологиялари элементларини комплекс равишда илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Зарафшон водийси шароитида топинамбур навлари тўплами морфобиологик ва хўжалик белги-хусусиятлари бўйича баҳолаш кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун озиқ-овқат ва ем хашак учун навларни тўғри танлаш, уларни етиштириш агротехнологиялари тадбирлари экиш схемалари ва туп қалинлигини белгилаш, уруғлик туганакларни мақбул вазнини аниқлаш, экишолди туганакларни ишлаш, топинамбур навларини турли ўғитлаш меъёрлари ва суғориш тартибида ҳамда кучсиз шўрланган тупроқлар шароитида уруғлик туганакларни экиш чуқурлиги, экиш муддати, суғориш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Зарафшон водийсида топинамбурни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

топинамбур етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича «Ўзбекистонда топинамбурдан юқори, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга оид тавсиялар» мавзусидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 21 январдаги 03/09-251-сон маълумотномаси). Бунда кўп тармоқли фермер хўжаликларида озиқ-овқат ва ем-хашак мақсадларида топинамбур етиштириш агротехнологияси бўйича маълумотлар берилган;

топинамбурнинг янги маҳаллий шароитларга мос, озиқ-овқат йўналишидаги “Эътироф” нави яратилган ва 2017 йилдан экиш учун Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 2017 йил 26 январдаги 53/4-58-сон маълумотномаси). Бунда янги яртилган мазкур навнинг туганаги таркибида инулин миқдори, андоза “Файз барака” навига нисбатан 0,7-1,1 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган;

Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг фермер хўжаликлари шароитида 2013-2015 йилларда топинамбурнинг танлаб олинган навлари ва ишлаб чиқилган мақбул агротехнологиялари жами 132 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 16 январдаги 02/09-19-сон маълумотномаси). Бунда топинамбур етиштиришнинг мақбул агротехнологиялар қўлланилганда анъанавий усулга нисбатан қўшимча 10,8 тонна туганак ва 20,8 тонна кўк масса ҳосили олинган ва рентабеллик даражаси 39,7 фоизга ошганлиги аниқланган. Кучсиз шўрланган ерларда эрта баҳорда 8-10 см, кеч кузда 10-12 см чуқурликда экиш мақбул бўлиб, гектаридан 35,6-41,2 тонна туганак, 84,6-91,3 тонна кўк масса ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари Грузия (Тбилиси, 2014), Россия (Пенза, 2016) бўлиб ўтган халқаро конференцияларда, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессор-ўқитувчиларининг (1999-2016 йй.) ҳисобот конференцияларида муҳокама қилинган. Шунингдек, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети (2012), Тошкент Давлат аграр университети (2016) да маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иши чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Топинамбурни етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, Зарафшон водийси шароитида топинамбур навларни тўплами баҳоланиб, навларни танлаш, экишолди уруғликни тайёрлаш, экиш схемаси ва туп қалинлиги, ўғитлаш меъёри ва суғориш сони ва тартиби, суғориш технологияси, уруғликни етиштириш тартиби ва сақлаш усуллари агротехнологик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотлар ўтказиш жойи, шароитлари, объекти ва услубларини баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Булунғур, Оқдарё ҳамда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманлари тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Ҳудуд тупроқлари типик ва ўтлоқ-бўз тупроқлар, механик таркиби ўртача қумоқ. Сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги - 2-3 м.

Тупроқнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0,7-1,2 %. Озиқа моддалар миқдорига кўра, ўртача унумдорликка эга. Тупроқнинг pH муҳити -7,0-7,2 га тенг.

Суғориш манбалари асосан Зарафшон сув ҳавзаси ҳисобига амалга оширилади.

Вилоят метеостанцияларининг кўп йиллик ўртача иқлим маълумотлари таҳлилига кўра, энг паст ҳаво ҳарорати январь ойида Самарқанда -2 ^{0}С ни ташкил этса, энг юқори ҳарорат эса июль ойида, +25,5 ^{0}С бўлган.

1 апрелдан 31октябргача (IV-X ойлар) муддатда (+10 ^{0}С дан юқори) ҳарорат йиғиндиси 2600^{0}С ни ташкил этади.

Охирги баҳорги совуқлар тушишининг кўп йиллик ўртача муддати 6-8 апрел, биринчи кузги совуқ тушишининг кўп йиллик ўртача муддати эса 7-10 октябрда кузатилган.

Самарқанд об-ҳавони кузатиш метеостанцияси маълумотлари таҳлилига кўра, кўп йиллик ёғингарчилик миқдори ўртача 358,0 мм ни ташкил этади.

Тадқиқот ўтказилган (1999-2015) йилларда ёғингарчилик миқдори 208,4 мм дан 564,5 мм гача бўлганлиги кузатилган.

Дала тажрибаларида қуйидаги илмий изланишлар олиб борилган:

тупроқ ҳайдалма қатламидаги гумус И.В.Тюрин, ялпи азот, фосфор, калий И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко, нитрат азоти Гранвальд-Ляжу, аммоний азоти Несслер реактивида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий П.В.Протасов услублари асосида таҳлил қилинган;

фенологик кузатиш Давлат нав синаш комиссияси услуби бўйича, биометрик ўлчашлар (ўсимлик бўйи, пояси, ён шох сони, барг сони ва сатҳи кабилар), маҳсулдорлик кўрсаткичлари турли нав ва тажриба вариантларида ҳар бир делянкадан 20 донадан ўсимликларни танлаш орқали Бутунроссия ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти услуби бўйича, илдиз ҳажми ва массаси монолит (В.Мосин) усулида аниқланган. Туганак таркибидаги крахмал солиштирма массаси бўйича, оқсил–А.С.Вечер, «С» витамини И.К.Мурри услубида аниқланган.

Диссертация иши дастурига мувофиқ илмий изланишлар Зарафшон водийси шароитида топинамбур навларини бир йиллик экин сифатида олиб борилган дала тажрибалари йўналишлари, схемалари диссертацияда аниқ кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Топинамбур нав намуналари тўпламини баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида Зарафшон водийси шароитида ўрганилган топинамбур навлари тўпламини баҳолаш натижалари баён этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, намуналар бўйича гуллаш даврида ўсимлик бўйи 376-406 сантиметргача ўзгарди, поя сони 3,1-3,8 дона, ён шох сони 24,6-44 дона, бир тупдаги саватчалар сони 32,5-44 донагача, ўсув даври эса 145 дан 184 кунгача бўлди.

Ўсимликларнинг ўсиш динамикаси дастлаб 20 апрелда №105 да 22 см., №9, К-99/2, К-99/1, да, К-99/3 Новинкада 23 см, Интерес, Ленинградский нав намуналарида 24 см қайд этилган бўлса, 10 июлда эса №105 намунада 208 см, №9 намунада 219 см, Новинкада 230 см, Ленинградскийда 226 см, қолган намуналарда 246 см гача ўзгарди. Кузатувларнинг охирида 1 октябрда энг баланд бўйли ўсимлик Новинка (425 см), К-99/3, 4/36 намуналарида (420 см), К-99/1 намунасида (401 см), қолган намуналарда эса (352-394 см гача) бўлди.

Топинамбур намуналарида ҳосил тўплаши кескин ўзгариб 20 сентябрда энг юқори поя ва барг ҳосили бир тупда 4/36 да-1086,3, К-99/3 да-1024,3, К-99/2 да-1008,5 грамм, туганак ҳосили эса К-99/1 да-612,0, К-99/3 да-605,8 граммга тенг бўлиши қайд этилди. Энг юқори ер устки массаси 20 сентябрда 1024,3-1086,3 грамм, туганак ҳосили 20 октябрда 997,9-1010 грамм шаклланиши кузатилди.

Ўсимликларнинг баланд бўйли, кўп пояли, поянинг дағал бўлиши, туганакларнинг узунчоқ, кўзчалари кўп ва уяда тарқоқ жойлашиши, аксинча паст бўйли, кам пояли, ярми дағал пояли бўлиши, туганакларнинг овал, кўзчалар сонининг кам ва юза бўлиши, туганакларни уяда ғуж ёки ярим ғуж жойлашиши ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Топинамбурни озиқ-овқат йўналишида яратиладиган янги навларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди.

Топинамбур навлари туганакларини шакли, йириклиги, ранги, кўзчалар сони ва жойлашиши, туганакларни уяда жойлашиши бўйича фенотипик бир хиллиликни баҳолашнинг 9 балли шкаласи ишлаб чиқилди ва юқори кўрсаткичлар 7-8 балл истиқболли № 105, №109 намуналарида ва Файз барака, Мўжиза навларида қайд қилинди.



1-расм. Топинамбур нав намуналарининг туганак ва кўк масса ҳосилдорлиги

Тажрибада топинамбур навлари туганакларининг биокимёвий таркиби ўрганилганда 100 грамми таркибида 0,76 мг B_1, 66 мг С витаминларини сақлаши, кул моддалари таркибида эса 5,94 % фосфор, 5,3 % темир сақлаши аниқланди.

Топинамбур туганакларини туганаклари таркибида инулин миқдори аниқланганда нав ва намуналарда сезиларли фарқ кузатилиб, 7,6 % дан 12,5 %

гача қайд қилинди. Энг юқори инулин сақлаши истиқболли № 105 намунасида 12,5 %, К-99/1 намунасида 12,4 %, № 9 намунасида 12,3 % ва Мўжиза навида 12,1 % , Файз барака навида 11,4 % қайд қилинди(1-расм)..

Тадқиқотларда нав ва намуналар тўпламини ҳосилдорлиги бўйича таҳлил қилинганда туганак ҳосилдорлиги нав намуналарида гектаридан 30,1 дан 36,8 тоннагача, кўк масса ҳосилдорлиги эса 59,2 дан 76,2 тоннагача қайд қилиниб, топинамбур навларидан фойдаланишнинг йўналишига қараб навларни танлаш ва алоҳида етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг **«Ажратилган топинамбур навларининг агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича тажриба якунлари»** деб номланган тўртинчи бобининг биринчи «Турли муддатларда экилганда экишолди ишлов беришнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқиш» қисмида топинамбур уруғлик туганакларини турли муддатларда экишолди ишлаш технологияси, турли экиш схемаси ва туп қалинликларида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган.

Топинамбур навларини турли муддатларда - кузда ва баҳорда уруғлик туганакларига экиш олдидан (сувда назорат, ўстирувчи стимуляторларда, микроўғитларда ва ўстирувчи стимуляторлар+микроўғитлар биргаликдаги аралашмасида) ишлов берилиб экилганда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилнинг шаклланиши қонуниятлари Файз барака, Новинка навлари бўйича ўрганилди.

Гуллаш даврида баланд бўйли (275 см), кўп пояли (2,2 дона), сершох (21 дона), кўп миқдорда барг сони (75 дона) ва сатҳига (0,9 $м^2$) эга бўлган Файз барака навининг баҳорда жадал ўсиши ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмаси эритмасида ишлаб экилганда кузатилди.

Ўсимликларда поя сони уруғлик туганакларни экиш олдидан сувда ишлаб экилган (назорат)га нисбатан ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмасида ишлаб экилганда Файз барака навида кузда экилганда 1,5 дона, баҳорда экилганда 1,7 донага, Новинка навида эса кузда ва баҳорда экилган вариантларда 1,3 донагача кўп поя ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Энг юқори ҳосилдорлик уруғлик туганакларга (Файз барака) эрта баҳорда ўстирувчи стимуляторларда ва микроўғитлар аралашмасида ишлов бериб экилганда 87,6 т/га кўк масса, 34,5 т/га туганак олиниб, назорат вариантига нисбатан 10,6 тонна кўк масса ва 5,4 тонна туганак қўшимча ҳосили ёки ҳар гектаридан 4,1 тонна қўшимча юқори сифатли озиқа бирлик етиштирилган (1-жадвал).

Зарафшон водийси шароитида топинамбур навларида уруғлик туганакларини кузда ва баҳорда экиш олдидан ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмасида ишлаб экиш ҳисобига гектаридан Файз барака ва Новинка навларида 85,0-87,6 тонна кўк масса ва 31,5-34,5 тоннадан ошириб туганак олишни, ёки ҳар гектаридан 31,3 тоннагача қўшимча озиқа бирликни таъминлаб, 5,7-9,9 % қўшимча рентабелликни ошириш имконини берди.

1-жадвал

Уруғлик туганакларни экишолди ишлов беришнинг унувчанлик, поя сони ва ҳосилдорликка таъсири (2007-2009 йй.)

Навлар номи	Экиш муддати	Уруғлик туганакларга экишолди ишлов бериш	Унувчанлик, % 20.03	Унувчанлик, % 30.03	Поя сони	Ҳосилдорлик, т/га Яшил масса	Ҳосилдорлик, т/га Туганак	Назорат вариантдан фарқланиши: Яшил масса т/га	Яшил масса %	Туганак т/га	Туганак %
Файз барака	Кузда	Назорат (сув)	31	75	2,7	75,1	28,7	-	100	-	100
		Микроўғитлар (B, Mn, Cu)	43	81	3,6	82,0	31,0	6,9	109,2	2,3	108,0
		Ўстирувчи стимуляторлар	60	96	3,8	84,0	32,6	8,9	111,8	3,9	113,6
		Ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитларда ишлаш	62	100	4,2	85,0	33,5	9,9	113,2	4,8	116,7
		$S_{\bar{x}}$(%)=				**2,9**	**3,3**				
		Э КФ $_{05}$=				**4,3**	**2,6**				
	Баҳорда	Назорат (сув)	33	76	2,9	77,0	29,1	-	100	-	100
		Микроўғитлар (B, Mn, Cu)	48	88	3,8	84,5	32,0	7,5	109,7	2,9	110,0
		Ўстирувчи стимуляторлар	69	100	4,2	85,8	33,6	8,8	111,4	4,5	115,5
		Ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитларда ишлаш	71	100	4,6	87,6	34,5	10,6	113,8	5,4	118,5
		$S_{\bar{x}}$(%)=				**2,4**	**1,7**				
		Э КФ $_{05}$=				**1,8**	**1,1**				
Новинка	Кузда	Назорат (сув)	32	76	2,8	76,2	26,7	-	100	-	100
		Микроўғитлар (B, Mn, Cu)	35	86	3,0	82,3	29,6	6,1	108,0	2,9	110,9
		Ўстирувчи стимуляторлар	55	93	3,5	84,0	30,1	7,8	110,2	3,4	112,7
		Ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитларда ишлаш	62	94	4,1	85,1	31,0	8,9	111,7	4,3	116,1
		$S_{\bar{x}}$(%)= **Э КФ $_{05}$=**				**2,9** **3,3**	**2,7** **3,4**				
	Баҳорда	Назорат (сув)	31	71	2,9	80,2	28,0	-	100	-	100
		Микроўғитлар (B, Mn, Cu)	44	86	3,2	83,5	29,1	3,3	104,1	1,1	104,0
		Ўстирувчи стимуляторлар	61	94	3,5	85,0	30,2	4,8	106,0	2,2	107,8
		Ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитларда ишлаш	65	100	4,2	86,4	32,0	6,2	107,7	4,0	114,3
		$S_{\bar{x}}$(%)=				**1,3**	**1,7**				
		Э КФ $_{05}$=				**1,0**	**2,6**				

Диссертациянинг **«Ажратилган топинамбур навларининг агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича тажриба якунлари»** деб номланган тўртинчи бобининг иккинчи «Қулай экиш усуллари, туп қалинлиги, туганак вазни ва ўсимталар сонини белгилаш» қисмида Топинамбур ўсимлигининг танланган нав намуналарининг бир ўсимтали вазни

15-20 г. туганаклар экилганда дала унувчанлиги 98-99 фоиз бўлиб, ҳосил йиғиштиришгача бу кўрсаткич 90-94 фоиз бўлиши қайд этилди.

Униб чиқишда 1 $м^2$ да ҳосил бўлган поялар сони 2,6-4,3 донагача бўлса, ҳосилни йиғиштириш пайтида эса 5,0-6,6 донагача ошди ёки поя сони униб чиққан даврдагига нисбатан 123-220 фоизгача ортгани кузатилди.

Экиш схемалари бўйича эса 1 $м^2$ даги туганаклар сони 90x25 см схемада 4,4 дона, 90x30 см схемада 3,7 дона, 90x35 см схемада 3,1 дона, 90x40 см схемада 2,7 дона бўлиб, 90x25, 90x30 см схемаларда дала унувчанлик 98 фоиз, 90x35, 90x40 схемаларда эса 99 фоиз бўлса, ҳосил йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар 90x35, 90x40 см схемаларда юқори (94 фоиз) бўлди.

Туганак вазни 15-20 граммли вариантда 0-30 см қатламда илдиз вазни 133,0-153,5 грамм ёки умумийга нисбатан 80,0-85,0 фоизни ташкил этди. Туганак вазни 35-40 граммда 126,7-164,6 грамм бўлиб, умумийга нисбатан 77,0-80,1 фоизни ташкил этди. Назорат сифатида олинган туганак вазни 75-80 грамм бўлган вариантда 135,3 грамм ва умумийга нисбатан 75,0 фоиз бўлиши қайд этилди.

Топинамбур нав намуналарининг 15-20 грамм бир ўсимтали уруғлик туганаклар турли экиш схемаларида экилганда туганак ҳосилдорлиги гектаридан 24,0-30,5, ер устки масса ҳосилдорлиги 80,0-94,0 тоннани, озиқ бирлиги эса 26,4-31,7 т/га ташкил этди. Энг юқори ҳосилдорлик ва озиқа бирлиги чиқими 90x35 см схемада бўлиб, туганак ҳосили 30,5 т/га., ер устки қисми ҳосили 94 т/га ва озиқ бирлиги 31,7 т/га ташкил этди.

Вазни 35-40 граммли туганаклар турли экиш схемаларида экилганда туганак ҳосили 32,5-38,1 т/га, ер устки масса ҳосили 92,7-113,8 т/га, озиқ бирлиги эса 31,9-38,7 т/га гача ўзгарди. Ушбу вариантда энг юқори кўрсаткич туганакларни 90x35 см схемада экилганда олиниб, туганак ҳосили 38,1 т/га, кўк массаси 113,8 т/га, озиқ бирлиги эса 38,7 т/га ташкил этди.

Тажрибада Новинка нав намунасининг туганак ҳосилдорлиги вариантлар бўйича 24,0-38,1 т/га гача ўзгарди.

Диссертациянинг **«Ажратилган топинамбур навларининг агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича тажриба якунлари»** деб номланган тўртинчи бобининг учинчи «Топинамбур навларини суғориш сони ва тартиби» қисмида Новинка ва К-99/3 нав намуналари ўсув даврида 4, 6, 8 маротаба суғорилиб, тупроқдаги намлик чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) нинг 70% дан кам бўлмаган ҳолда сақлаб, ўсимлик ўсиши, ривожланиши ва ҳосилнинг шаклланиши бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўсимликлар гуллаш даврида ўсимлик бўйи 4 маротаба 2-1-1 тартибда суғорилганда Новинка навида 205,6 см, К-99/3 намунасида 201,4 см, 8 маротаба 4-2-2 тартибда суғорилганда эса Новинка навида 381,0 см, К-99/3 намунасида 365,8 см, поя сони 2,2 донадан 3,5 донагача, ён шохлар сони 18,6-19,6 дан 37,6-38,6 донагача ва барг сони 85,2-87,1 дан 166,1-170,1 донагача ошиб бориши қайд этилди.

Ўсимликлар ўсув даврида 4 маротаба 2-1-1 тартибда суғорилганда 165-166 кун; 8 маротаба 4-2-2 тартибда суғорилганда эса 179-180 кун бўлиб, ўсув даври 10-15 кунга узайди.

2-жадвал

Топинамбур намуналарининг ҳосилдорлигига суғориш сони ва тартибининг таъсири

Суғориш сони ва тартиби	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, т/га						Ўртача		
	2006		2007		2008				
	Кўк масса	туганак	Кўк масса	туганак	Кўк масса	туганак	Кўк масса	туганак	Озиқ бирлиги, кўк масса / туганак
Новинка нави									
4 маротаба, 2-1-1	33.2	12,4	32,1	11,8	33,0	11,8	33,2	12,4	7,9/3,7
6 маротаба, 3-2-1	47,1	16,9	48,3	17,1	50,7	17,1	48,7	17,4	11,6/5,2
8 маротаба, 4-2-2	79,1	31,2	81,1	30,2	79,8	29,8	80,0	30,4	19,2/9,1
$S_{\bar{x}}$(%)=	**3,8**	**2,9**	**1,8**	**6,6**	**5,5**	**5,4**			
ЭКФ $_{05}$=	**2,5**	**1,0**	**1,2**	**1,5**	**4,2**	**1,6**			
К-99/3 намунаси									
4 маротаба, 2-1-1	33,1	11,8	32,0	13,8	34,5	13,1	33,2	12,9	7,9/3,8
6 маротаба, 3-2-1	50,1	17,0	48,2	16,9	51,1	17,7	49,8	17,2	11,9/5,1
8 маротаба, 4-2-2	77,2	26,9	76,8	27,1	74,3	27,3	76,1	27,1	18,2/8,1
$S_{\bar{x}}$(%)=	**3,3**	**2,8**	**2,6**	**2,1**	**2,7**	**2,9**			
ЭКФ $_{05}$=	**3,0**	**2,4**	**2,1**	**1,8**	**2,0**	**2,6**			

Тажрибада ўсимлик бўйи май-октябрь ойлари 1-санасида ҳисоблаб кўрилганда шу нарса маълум бўлдики, топинамбур қурғоқчиликка чидамлилиги, яъни 4 маротаба суғорилганда ҳам муқобил ўсиши билан характерланади. Новинка нав намунасида ўсимлик бўйи баландлиги биринчи майда 75,6 см, 1 июлда 140,3 см ва 1 октябрда 205,6 см бўлса, 8 маротаба 4-2-2 тартибда суғорилганда 160,7; 260,6 ва 381,0 см бўлиб, К-99/3 намунасида эса мос равишда 66,4; 120,7; 201,4 ҳамда 150,1; 237,8 ва 365,8 см қайд этилди. Биринчи октябрда 4 маротаба суғорилганга нисбатан 8 маротаба суғорилганда Новинка навида 175,4 см, К-99/3 да 164,4 см юқори кўрсаткич кузатилди.

Тажрибада топинамбур намуналаридан энг юқори кўк масса ҳосилдорлиги Новинка навида гектаридан 80 тонна кўк масса, 30,4 тонна туганак ҳосили 8 маротаба 4-2-2 тартибда суғорилган вариантда олинган (2-жадвал). Ушбу вариантда 19,2 тонна кўк масса ва 9,1 тонна туганак ҳисобига озиқа бирлиги тўпланган, ёки жами гектаридан 28,3 тонна озиқа бирлиги етиштирилган, 4 маротаба, 2-1-1 тартибда суғоришга нисбатан 16,7 тонна ёки 59 фоиз қўшимча озиқа бирлиги етиштирилган.

К-99/3 намунаси 8 маротаба 4-2-2 тартибда суғорилганда гектаридан 76,1 тонна кўк масса, 27 тонна туганак олинган ва тўпланган озиқа бирлиги 26,3 тоннани ташкил этди ёки 14,6 тонна, бу эса қўшимча 55,5 % озиқа бирлиги тўпланганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Ажратилган топинамбур навларининг агротехнологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш бўйича тажриба якунлари**» деб номланган тўртинчи бобининг тўртинчи «Топинамбур навларига мақбул ўғитлаш меъёрларини белгилаш» қисмида топинамбурнинг Новинка ва Файз барака навларининг турли ўғитлаш меъёрларида ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилнинг шаклланишига таъсири бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Топинамбур ўғитланмаган вариантда ўсимлик бўйи 180,1-190,2 см, поя сони 1,1 дона, ён шох сони 17-18 дона, барг сони 60,7-70,4 дона ва барг сатҳи 1,6-1,9 $м^2$ ни ташкил этган бўлса, N_{300} кг/га вариантда ўсимлик бўйи 260,1-270,6 см, поя сони 2,0 дона, ён шох сони 26-27 дона, барг сони 110,0-120,1 дона ва барг сатҳи 2,8-2,9 $м^2$ ни ташкил этди ёки ўғитсиз вариантга нисбатан 54-61 % юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Топинамбур ўсимлигининг энг кам маҳсулдорлик кўрсаткичлари назорат (ўғитсиз) вариантда кузатилиб, бир тупдаги кўк масса ҳосили Новинка навида 1300 грамм, туганак ҳосили 430,6 грамм, туганак сони 6,6 дона, ўртача вазни 65,2 грамм, N_{300} кг/га қўлланилган вариантда кўк масса 1809,0, туганак 629,8 грамм, туганак сони 8,7 дона ўртача вазни 72,4 граммни ташкил этган бўлса, $N_{300}P_{200}K_{150}$кг/га солинган вариантда бир тупда кўк масса 2605 грамм, туганак 899,8 грамм, туганаклар сони 10,7 дона, ўртача вазни 84,1 граммни ташкил этди. Ушбу тўлиқ фонда + 20 т/га гўнг берилганда энг юқори бир тупда 2800 грамм кўк масса, туганак ҳосили 1066,4 грамм, туганаклар сони 12,4 дона ва ўртача вазни 86 грамм бўлиб, ушбу қонуният Файз барака навида ҳам қайд этилди.

Энг юқори уруғлик туганаклар чиқими (269,2-274,7 минг дона ёки 80-81 %), $N_{300}P_{200}K_{150}$кг/га+20 т/га гўнг билан биргаликда солинганда олиниб, назоратга нисбатан 27,0-30,7 % қўшимча уруғлик туганаклар шаклланганлиги кузатилди.

Тажрибада энг юқори кўк масса ҳосилдорлиги (77,5 т/га) ва туганак ҳосили (29,5 т/га) Новинка нав намунасида $N_{300}P_{200}K_{150}$кг/га минерал ўғитлар билан +20 тонна гўнг биргаликда берилганда олиниб, назоратга нисбатан 41,5 тонна кўк масса, 17,6 тонна туганак ҳосили қўшимча олинганлиги маълум бўлди.

Ўрганилган топинамбурнинг Файз барака навида ҳам юқоридаги қонуният қайд этилиб, $N_{300}P_{200}K_{150}$кг/га+20 тонна гўнг қўлланилганда, фақат минерал ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан кўк масса ҳосили гектаридан 2,5 тонна, туганак ҳосили 4,5 тонна зиёд бўлди.

Энг юқори озиқа бирлиги гектаридан 27,1-27,4 тоннани ёки назоратга нисбатан 12,6-15,3 тонна ёки 43,5-48,9 % қўшимча етиштирилиб, энг юқори даромад (2032,0-2059,3 минг сўм) ва рентабеллик даражаси (299,7-302,5 %) иккала ўрганилган навда ҳам минерал ўғитлар $N_{300}P_{200}K_{150}$кг/га меъёрда+20 т/га гўнг билан биргаликда солинганда олинган.

Диссертациянинг **«Кучсиз шўрланган тупроқлар шароитида топинамбур экинини ўрганиш»** деб номланган бешинчи бобида кучсиз шурланган ерларда топинамбур навлари тўпламини баҳолаш, экиш муддати ва экиш чуқурлиги, суғориш технологияси бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Гуллаш даврида баланд бўйли ўсимлик 4/36 (267 см), К-99/3 (263 см), К-99/1 (258 см) намуналарда, нисбатан паст бўйли №109, №105, Файз барака, Мўжиза навларида 231-244 см кузатилиб, поя сони ем-хашак йўналишидаги навлар Новинкада 3,9, 4/36 намунада 3,8 дона, Файз барака ва Мўжиза навларида 3,1 дона, истиқболли намуналарда 2,8 дона, ён шох сони 8,1 донадан 13,1 донагача, саватчалар сони эса 28-38 донагача ўзгарди.

Бир тупдаги туганаклар сони Новинка навида 18 дона, 4/36 намунасида 18,9 дона, Файз барака навида 13,7 дона, Мўжиза навида 14,1 дона ҳамда истиқболли ҳисобланган №105, №109 намуналарида 12,6-13,4 дона қайд қилинди. Бир тупдаги ўртача битта туганакнинг вазни бўйича йирик туганакли навлар Файз барака нави (87,6 грамм), Мўжиза нави (88,6 грамм) ва истиқболли ҳисобланган №105, №109 намуналарида (91,3-95,6 грамм) кузатилди. Туганаклар сонининг камлиги ва уларни бир хиллилиги, йириклиги, кўринимлиги бўйича 9 балли шкала бўйича 7-8 баллга баҳоланиши билан характерланади.

Энг юқори маҳсулдорлик бир тупдаги туганак ҳосили Новинка навида 1436,4 грамм, 4/36 намунасида 1391,0 грамм, №9 намунасида 1376,0 грамм Файз барака навида 1200,1 грамм, Мўжиза навида 1249,2 грамм, истиқболли №105, №109 намуналарида эса 1047,0-1204,5 грамм қайд қилинди. Бир тупдаги кўк масса ҳосили эса нав ва намуналарда 1903,1 граммгача кузатилди.

Топинамбур навлари ва намуналарини туганак ҳосилдорлиги гектаридан 31,5 тоннадан 44,1 тоннагача қайд қилиниб, юқори товарлилик ва туганакларни фенотипик бир хиллилиги бўйича Мўжиза навида 39,6 тонна, товар ҳосили чиқими 95%, туганакларни бир хиллилиги бўйича 7 балл, истиқболли ҳисобланган №105, №109 намуналарида гектаридан 33,2-38,1 тонна, товар туганаклар чиқими 94-95 % ни ва туганакларни бир хиллилиги 8 балл қайд қилинди.

Кучсиз шўрланган ерларда топинамбур Файз барака ва Новинка навларининг мақбул экиш муддатлари ва чуқурлигини белгилаш ўрганилганда ўсимликларда поя сони кузда экилган вариантларда экиш чуқурлиги 6 см бўлганда 2,4-2,7 дона, 8 см чуқурликда экилганда 3,1-3,3 дона, 10 см чуқурликда экилганда 3,4-3,5 дона, 12 см чуқурликда экилганда 3,6-3,7 дона ва 14 см чуқурликда экилганда 2,9-3,1 дона бўлиши қайд этилди. Навларни эрта баҳорда 6 см чуқурликда экилганда 3,0-3,1 дона, 8 см чуқурликда экилганда 3,4-6,5, 10 см чуқурликда 3,6-3,7 ва 12 см чуқурликда экилганда 3,2-3,6 дона, 14 см чуқурликда 3,0 донадан поя ҳосил қилгани маълум бўлди.

Тажрибада навларнинг ҳосилдорлиги 12 см чуқурликка экилганда 74,1 тоннадан 87,4 тоннагача, туганак ҳосилдорлиги эса 29,7 тоннадан 41,2 тоннагача ошиб борди. Туганакларни 14 см чуқурликда экиш гектаридан 3,2-5,5 тонна кўк масса, 0,3-1,8 тонна туганак ҳосилининг камайишига олиб келди.

Топинамбур навлари эрта баҳорда экилганда кўк масса ва туганак ҳосилдорлиги 6 см дан 10 см чуқурликкача экилганда ошиб борди.

Ўрганилган иккала навда ҳам барча вариантларда Новинка нав намунасида юқори, баҳорда экилганга нисбатан кузда 12 см чуқурликка экилган вариантда Новинка навида кўк масса ҳосили гектаридан 2,8, туганак ҳосили 2,0 тонна, Файз барака навида фақат туганак ҳосили 1,9 тонна юқорилиги кузатилди.

Туганакларни экиш чуқурлиги бўйича олинганда 6 см чуқурликда экилган вариантга нисбатан Новинка нави кузда 12 см чуқурликда экилганда 12,2 тонна, баҳорда 10 см чуқурликда экилганда 14,1 тоннагача кўк масса, Файз барака нави кузда 12 см чуқурликда экилганда 11,2 тоннагача кўк масса, 10,2 тоннагача туганак, баҳорда 10 см чуқурликда экилганда мос равишда 8,7 ва 6,9 тонна қўшимча ҳосил шаклланишига имконият яратилади.

Топинамбур экини учун суғориш эгатлари қулай узунлиги ва ундаги сув оқими тезлигини белгилаш мақсадида Мўжиза ва Файз барака навлари 3 та эгат узунлиги (60, 80 ва 100 метр) ҳамда 3 та эгатдан сув оқими тезлиги (0,10; 0,15; 0,20 л/секунд) вариантлари ўзаро таққосланди. Барча вариантлар учун эгат чуқурлиги 14 см бўлиб, экиш 70x35 см схемада, суғориш сони 8 маротаба, 4-2-2 тартибда амалга оширилди. Суғориш меъёрлари 450-500 м^3/га бўлди.

Ўрганилган навларда суғориш сони 8 маротаба, 4-2-2 тартибда эгат узунлиги 60 метр, сув оқими тезлиги 0,10 л/сек бўлганда баланд бўйли (276 см), поя сони (3,1 дона), ён шох сони (35-36 дона), барг сони 97,2 дона, эгат узунлиги 80 метр, сув оқими тезлиги 0,15 л/сек вариантда баланд бўйли ўсимлик (285 см), поя сони 3,0 дона, ён шох сони 34,5 дона, барг сони 96,1 дона Мўжиза навида қайд қилинди. Ўсув даври вариантлар бўйича 175-180 кунгача ўзгарди.

Мўжиза навида энг юқори бир тупдаги кўк масса 1865,7-1892,3 грамм, туганак ҳосили 1198,4-1215,2 грамм, бир тупда 13,7-14,0 дона туганак ва тупдаги битта туганакнинг ўртача вазни 85,6-88,7 грамм ўсимликларни суғориш сони 8 маротаба, 4-2-2 тартибда эгат узунлиги 60 метр, сув оқими тезлиги 0,10 л/сек, эгат узунлиги 80 метр, сув оқими 0,15 л/сек вариантда олинди.

Файз барака навида суғоришни 8 маротаба, 4-2-2 тартибда эгат узунлиги 60-80 метр, сув оқими тезлиги 0,10-0,15 л/секунд технологиясида амалга ошириш навларда 1789-1892,3 грамм кўк масса, 1179,4-1215,2 граммгача туганак ёки стандарт вариантга нисбатан бир тупда 88-152,3 грамм кўк масса, 241,2-333,4 граммгача туганаклар қўшимча ҳосил шаклланганлиги қайд қилинди.

Тажрибада суғориш сони 8 маротаба, 4-2-2 тартибда эгат узунлиги 60 метр, сув оқими тезлиги 0,10 л/секунд, эгат узунлиги 80 метр, сув оқими 0,15 л/секунда гектаридан навлар бўйича 5,1-6,2 т/га кўк масса, 9,2-9,8 т/га туганак Мўжиза навида, 2,6-7,7 т/га кўк масса, 11,6-12,3 т/га туганак стандарт (эгат узунлиги 100 метр, сув оқими тезлиги 0,20 л/секунд) вариантга нисбатан қўшимча ҳосилдорликка эришилди.

Диссертациянинг «Т**опинамбур ажратилган навларининг бирламчи ва элита уруғчилигини ташкил этиш ва уруғликни сақлаш**» деб номланган олтинчи бобида топинамбур уруғлик туганакларни жадал кўпайтириш усуллари, бирламчи ва элита уруғлик етиштиришнинг жадаллашган тартиби ҳамда уруғлик туганакларни сақлаш усуллари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Тажрибада иккита нав, 4 та вариант:1-вариант 60-80 граммли туганакларни бутун экиш (назорат); 2- вариант 60-80 граммли туганакларни 2 бўлакка бўлиб, ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмасида ишлов бериш; 3-вариант 60-80 граммли туганакларни 4 бўлакка бўлиб, кесилган туганакларни ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмасида ишлов бериш; 4-вариант 15-20 граммли туганакларни бутун экиш юқори кўпайиш коэффициентига эришиш изланишларнинг асосий вазифаси ҳисобланди.



2-расм. Топинамбур навларида уруғлик туганакларни кесиб экишнинг кўпайиш коэффициентига таъсири

Тажрибада ўрганилган Файз барака навида кўк масса ва туганак ҳосилдорлиги гектаридан биринчи вариантда мос равишда 84 ва 42,1 тонна ва озиқ бирлиги 32,7 тоннани, кўпайиш коэффициенти 17,5 га тенг бўлди.

Иккинчи вариантда 72,4 тонна кўк масса ва 38,4 тонна туганак олиниб, кўпайиш коэффициенти 32, учинчи вариантда кўк масса ҳосили 65,4 тонна ва 32,7 тонна туганак ҳосили олинган, кўпайиш коэффициенти 54,5, тўртинчи вариантда 72,1 тонна кўк масса ва 26,4 тонна туганак ҳосили олинган ва кўпайиш коэффициенти 38,8 га тенг бўлди.

Ўрганилган Мўжиза навида ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолди, туганакларни 2 ва 4 бўлакка бўлиб, ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмасида ишлаб экиш кўпайиш коэффициентининг 2,5-3 баробар ошишига олиб келди.

Топинамбур навларини жадал кўпайтиришда уруғлик туганаклари вазнига ва туганаклардаги ўсимталар сонига қараб 2 ва 4 бўлакка бўлиб, кесилган туганакларга ўстирувчи стимуляторлар (гиббберилллин, қаҳрабо кислотаси, тиомочивина) ва микроўғитлар (бор, марганец, мис) аралашмасида ишлов бериб экиш тажрибада ўрганилган навларда кўпайиш коэффициенти Файз барака навида 54,5 ва Мўжиза навида эса 59,8 гача ошириш имконини берди (2-расм).

Турли усулларда етиштирилган дастлабки материаллардан олинган уруғликлар (элита, I, II, III, IV-репродукция)нинг ҳосилдорлик ва уруғлик сифатлари таққосланиб, соғлом ўсимликларни ўстириб етиштирилган минитуганакларидан етиштирилган вариантларда энг юқори (44,7 т/га) ҳосилдорликка эришилди.

Элита уруғлик туганакларни етиштиришнинг 4 йиллик тартиби Самарқанд вилояти Булунғур тумани фермер хўжаликлари шароитида Файз барака, Новинка, Мўжиза навларини ва истиқболли №105, №9 намуналарини жадал кўпайтириш уруғлик туганакларни 2 ва 4 бўлакка бўлиб, кесилган туганакларни ўстирувчи стимуляторлар ва микроўғитлар аралашмасида ишлов бериб экиш, майда (15-20) граммли туганаклардан уруғлик сифатида фойдаланиш тавсия этилди.

